Заболевание в одних случаях начинается постепенно, в других - быстро с значительного повышения температуры тела, колющих болей в грудной клетке, мучительного кашля. Большой находится в вынужденном положении, появляются одышка, синюшность. Отмечается отставание больной стороны грудной клетки в акте дыхания, некоторая слаженность межреберных промежутков. При ощупывании, выстукивании и выслушивании фонендоскопом врачи обнаруживают характерные для данного заболевания изменения. Для выявления экссудативного плеврита также применяют рентгенологическое исследование, которое обнаруживает тень жидкости вместо воздушной легочной ткани. В плевральной полости может скапливаться до 3000 мл жидкости. При скоплении большого количества жидкости состояние больных значительно ухудшается в связи с уменьшением дыхательной поверхности легких и перемещением сердца в здоровую сторону. У таких больных отмечается резкая слабость, одышка, потливость, синюшность, сердечбиение, вынужденное положение, снижение артериального давления. При исследовании крови отмечаются изменения, связанные с воспалением. Экску-

ративный плеврит продолжается 1,5-2 месяца. В тяжелых случаях, особенно при гнойных экссудативных плевритах могут остаться плевральные сращения, ограничивающие дыхательные экскурсии легких.

Лечение экссудативного плеврита проводится в условиях стационара. В зависимости от причины, вызвавшей экссудативный плеврит проводится лечение основного заболевания (туберкулеза, пневмонии и др.). При наличии экссудата более 500 мл проводится лечебная, одновременно диагностическая пункция грудной клетки с удалением жидкости из плевральной полости. Оценивается характер плевральной жидкости, проводится ее тщательный анализ, что способствует установлению причины заболевания и проведению соответственного лечения. При гнойных плевритах после удаления гнойного экссудата в плевральную полость вводятся антибиотики. Лечение гнойных плевритов проводится в торакальных отделениях. Всем больным экссудативными плевритами вне зависимости от причины назначаются противовоспалительные препараты (бруфен, ортофен, индометацин), анальгетики, противокашлевые препараты, антиаллергические средства. По мере уменьшения жидкости в плевральной полости назначаются дыхательная гимнастика. По окончании воспалительного процесса в плевральных листках после выздоровления возможно проведение санаторно-курортного лечения. В последние десятилетия отмечается увеличение больных плевритами 1,5-2 раза. Также отмечается утяжеление течения их. Расчет удельный вес плевритов туберкулезной этиологии. Поэтому каждый больной у которого выявлен плеврит обязательно должен получить консультацию врача-фтизиатра. Только своевременно установленный диагноз и правильно назначенное лечение способствует быстрому и полноценному выздоровлению больных с минимальными остаточными явлениями после плеврита.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
директор НИИФП,
академик АН Руз,
профессор,
Ш. ГАФФАРОВ,
руководитель отделения
диагностики и терапии
НИИФП, канд.
мед.наук.

Целебные дары природы

РАЙСКИЙ ПЛОД

Именно так в старинных медицинских трактатах называли дыню - сочный сладкий дар природы. Древние целители считали, что дыня «делает волосы блестящими, кожу персиковой, глаза молодыми а желание сильным». Современные диетологи придерживаются того же мнения.

Дыня - это не только сахар

Основной состав дыни - вода и сахар. Но в ее ароматной мякоти немало и других веществ, полезных для нашего организма. Например, аскорбиновая и фолиевая кислоты, каротин. По содержанию железа дыня стоит в одном ряду с луком и редисом, немного отстав от земляники, черной смородины и чешука. Из микроэлементов особенно много кальция - первое место среди овощей и плодов (а это здоровье кости, зубы, ногти). Дыня хорошо утоляет жажду, успокаивает нервную систему, при умеренном потреблении очень мягко действует на желудочно-кишечный тракт, нормализует водно-солевой баланс. В лечебно-профилактических целях ее используют как обволапывающее, успокаивающее, мочегонное, мягкое слабительное, стимулирующее кровотоки, антисклеротическое и даже противоревматическое средство. Содержащаяся в дыне клетчатка способствует выведению из организма излишков холестерина, а запас витаминов и других полезных веществ делает это растение действенным в борьбе с малокровием, придает блеск глазам, здоровый вид коже, разглаживая ее.

Сейчас во многих странах популярна американская теория соковой блицтерапии для очищения организма. Согласно ей, основой лечебного сока является дынный сок, так как переваривается организмом намного быстрее, чем соки всех ягод и фруктов. Для выведения шлаков рекомендуется каждое утро в течение 20 дней выпивать на тошак дынный сок с добавлением любых ягод, причем ягоды первоначально замораживаются. Диетологи предлагают еще одну диету...

Самая вкусная диета

Кто хочет похудеть и очистить организм от шлаков, тот может воспользоваться дынной диетой. Для этого достаточно в течение недели съедать по 2 кг мякоти в сутки, разделить массу на 5-7 приемов. Особенность этой диеты состоит в том, что не нужно отказываться от обычного рациона питания. Дыню следует есть через 2-3 часа после еды, дополняя трапезу 1/2 стакана сока из дынных корок, которые нужно брать обязательно с кожурой, так как именно в жестком верхнем слое содержится больше всего ценных минеральных веществ. Пропустите корки вместе с кожурой через соковыжималку - и вы получите эликсир молодости и здоровья.

ПРИМЕР ДОСТОЙНЫЙ ПОДРАЖАНИЯ

2 июля в городе Наманган в помещении театра драмы и комедии имени Алишера Навои состоялся конкурс «Лучший врач образцового СВП 2005 года». В конкурсе приняли участие 7 врачей общей практики из 7 районов области.

Организаторами конкурса были областное управление здравоохранения, ассоциация врачей Узбекистана, центральные районные больницы и другие организации области. Участники отвечали на вопросы из области медицины, показали жизненные сценки из практики врача. Жюри оценивали профессиональное мастерство, знания и навыки общей врачебной практики, а также кругозор врачей.

Первое место в конкурсе заняла Насиба Рахмонова из Янгикурганского района, она получила в подарок телевизор. Второе место заняла Кизларзон Худайбердиева из Норинского района, ее приз - музыкальный центр. Третье место у Мухаб-

бат Акбаровой, ей присудили приз - ковер. Остальные участники получили ценные подарки. Организация таких конкурсов будет стимулировать врачей дополнительно читать литературу, повышать свое мастерство, стремиться улучшить работу в СВП. А также повысит внимание руководителей здравоохранения и местных махалинских советов к работе сельских врачебных участков. Подобные конкурсы должны проводиться во всех областях республики, особенно в этом году, установленном как Год здоровья.

Н. НАРМУХАМЕДОВА,
директор учебного центра по подготовке врачей общей практики ТашМИ-2.

Ислохот одимлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ 1998-2004 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ИСЛОХ ҚИЛИШНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ

* соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
* шoshiлинч тиббий ёрдамнинг мутлақо янги, замонавий ва яхлит тизимини ташкил этиш;

* аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва умумшифокорлик амалиётига асосланган ҳолдаги, тармоқланган қиллоқ врачлик пунктлари шахобчаларини ташкил этиш йўли билан, унинг самардорлигини ошириш;

* оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимининг самардорлигини ошириш;

* давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам турларини бир қатор тиббий муассасаларнинг бошқима-бошқич пуллиқ тиббий хизматга ўтиши жараёни билан уйғунлашувини таъминлаш;

* тиббий хизматлар бозори ва нодавлат соғлиқни сақлаш тармоғини шакллантириш;

* мамлакатнинг барча минтақаларида санитария-эпидемиология фаворонлиқни таъминлаш.

1. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида соғлиқни сақлашнинг қонуний негизи яратилди. 1996 йили «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, кейинги йилларда эса «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун, шунингдек, ОИВ/ОИТС, сил, дори воситалари ва бошқа муаммолар бўйича бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизини янада такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунларга бир қатор ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди: «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «ОИТС касаллигининг профилактикаси тўғрисида», «Дори воситалари ва фармацевтика феолияти тўғрисида», «Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки токсикоманияга учраган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Инсон иммун танқислиги вируси (ОИВ-инфекция) тўғрисида»га қараган касалликлар профилактикаси ҳақида»ги, «Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Фуқароларга психиатрия ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги, «Аҳолини силдан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Донорлик қони ва унинг компонентлари тўғрисида»ги қонунлари амалиётга жорий қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш соғлиқни сақлаш тизимидаги органлар ва муассасалар феолиятини тартибга солиб турадиган меъёрий актлар ва қонунчилик ҳужжатларини замонага мослаш ва жамиятдаги иқтисодий қайта уйғунишлар даражаси билан мувофиқлаштириш имконини берди.

Президент Фармони қабул қилинган лаҳзалардан бошлаб, соғлиқни сақлаш тизимини

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланш ва ижтимоий химюга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 рақамли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди.

Мазкур фармонда ислохотларни ўтказиш дастурининг тасмийлиги ва унинг асосий йўналишлари ўз ифодасини топан бўлиб, у қуйидагиларни назарда тулади:

ислох қилиш дастурини ривожлантириш учун 60 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди, улардан 5 таси қонунлар, 2 та Президент Фармонлари, 2 та Президент Фармойишлари, 32 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва 17 та тармоқ-меъёрий ҳужжатларидан иборат.

2. ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ ВА ЯХЛИТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Республикада шoshiлинч тиббий ёрдамни ташкил этишдаги асосий хусусиятлардан бири ҳаётга таҳдид солувчи ҳолатларда ҳажми тиббий хизматлар ҳажмининг ҳаммаболлиги ва бепуллигининг давлат томонидан кафолатланishi. Эътироф этиб ўтиш жоизки, ушбу хизматлар айна пайтда энг юқори замонавий даражаларда кўрсатилмоқда, аниқ ва бегараз ишлаб келмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги тибб ислохотлар бошланғичи (1999) қадр шoshiлинч тиббий хизмат мамлакат соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ташкилотининг алоҳида тармоғи сифатида ажратиб кўрсатилмаган эди. Алоҳида даволаш муассасалари ёки уларнинг алоҳида бўлинмалари, ўзларининг режалари ва шунингдек шoshiлинч тиббий ёрдам кўрсатишлари эга бўлган ҳолда, бир-бирларига боғлиқ бўлган бўғинлар сифатида, мустақил ҳаракат қилиб келишган. Мазкур даволаш муассасаларида шoshiлинч тиббий ёрдам кўрсатишининг ягона услубиёти, бир бутун феолиятлари, яхлит миссиясини мавжуд эмасди. Улардаги мутахассислар малакасининг даражаси, жиҳозланганлиги, маиший шароитлар, дори-дармонлар билан таъминланганлиги ва бошқалар ҳам турлича бўлган. «03» тез ёрдам хизмати ҳам ташкилий томондан мустақил бўлган. Яъни ШТЭ хизмати ташкил этишининг ягона таркиби, ШТХни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона давлат сисёати мавжуд бўлмаган. Бундан ташқари, моддий-техник базаси ахлоқан ва жисман эскирган, кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам қоникарсиз ахволда эди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг 1999 йилда мавжуд бўлган ўзига хослигини ва ўтиш давридаги республика иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга олиб, шoshiлинч тиббий хизматнинг ноб модели танлаб олинди. ШТХнинг кўпроқ ҳаммаболлиги, иқтисодий ва тиббий самардорлигига эришиш учун, мазкур хизмат кўпбосқичли асосда ташкил этилди, ташкилий-таркибий даражаларининг барчаси вертикал ва горизонтал алоқалари билан ташкилий-услубий жиҳатдан турғун ягона хизматга бирлаштирилди.

ШТХ таркиби, биринчидан Тошкентдаги бош марказ – Республика шoshiлинч тиббий ёрдам маркази (РШТЭ)ни ўз ичига олади, бу ерда пойтахт аҳолиси ва унга ёндош туманлар учун шо-

шлинч тиббий хизматнинг жонлантириш-жадаллаштириш (реанимация-интенсивли) ва базали жароҳлик йўналишлари бўйича шoshiлинч тиббий ёрдамнинг асосий ҳажмини таъминлаб беради, иккинчидан, республиканинг барча вилоятларидаги минтақавий марказлари мазкур худудлардаги аҳолига шoshiлинч тиббий ёрдамнинг асосий хизматлар паке-ти кўрсатилишини таъмин этишга жалб этилган.

Бундан ташқари, мамлакатнинг 173 та аҳоли пунктларидаги МТК ва МШК қошида шoshiлинч тиббий ёрдам бўлинмалари тузилган. Юқорида санаб ўтилган стационар бўлинмаларга қўшимча сифатида, мазкур тизимга «03» хизматининг 194 станциялари ва 1485 тез тиббий ёрдам бригадалари, Фавкулдада вазиятлар бўйича вазирликнинг тиббий бўлинмаси ҳам ўтказилган. Мамлакат шoshiлинч тиббий хизмат тизимида умумий ҳисобда 44000 нафар одам ишлайди, шулардан 7500 дан зиёди шифокорлар, 257 мингга яқинини эса тиббий ҳамширалар ташкил этади.

ШТЭХ феолият юритиш тизмаси, тизорлик, юқори технологияли ва хизматнинг барча даражаларидаги самардорлик асосига қурилган.

РШТЭМ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИДАГИ ЎРИНЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

А. Жонлантириш – жарроҳлик йўналиши

1. Жонлантириш ва жадал терапия
2. Абдоминал жарроҳлик
3. Торако-томирли жарроҳлик
4. Шикастланишларнинг нейроржарроҳлик билан бирикмали бўлими
5. Урология
6. Гинекология
7. Комбустиология
8. Токсикология
9. Терапевтика йўналиши
10. Шoshiлинч терапия
11. Кардиология
12. Неврология
- С. Педиатрия йўналиши
12. Болалар жарроҳлиги
13. Педиатрия

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шoshiлинч тиббий хизмат Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулдада вазиятларни олдини олиш ва ҳаракатлар давлат тизимининг (ФВДТ) феолият олиб борувчи тизимчасига киритилган. Фавкулдада вазиятлардаги шoshiлинч тиббий ёрдам хизмати бутун шoshiлинч тиббий хизматнинг таркибий қисмига айланиб қолган. 1999 йили «Ўзбекистон Республикасидаги фавкулдада вазиятларда шoshiлинч тиббий ёрдамнинг Давлат хизмати тўғрисидаги Низоми» ишлаб чиқилди. Унда, фавкулдада вазиятлар содир бўлганда тиббий-санитария оқибатларини бартароф этишда аҳолига тиббий таъминотни ташкил этиш, моддий-техник ва молиявий таъминот, шунингдек фавкулдада вазиятлар Давлат шо-

шлинч тиббий хизматининг тиббиётчи ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий химю қилишининг асосий масалалари, ташкилий таркиби, бошқаруви аниқ белгилаб қўйилган.

Фавкулдада вазиятларда ёрдам кўрсатиш учун доимий шай турадиган 39 та иختисослашган бригадалар (3 тадан бригада РШТЭМ ва унинг 12 та филиалларидан), МТК ва МШК негизда 182 та шoshiлинч тиббий ёрдам бригадалари шакллантирилди.

Шoshiлинч тиббиёт хизмати ўз бўлинмалари билан Фавкулдада вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофеа вазирлиги ва бошқа идораларнинг бўлинмалари билан авариялик-қутқарув ишларини биргаликда ташкил этишда умумий тизимга қўшилган ҳолда иш олиб боради. Шу йўл билан тузилган тизим нафақат ШТЭ ва «талафотлар тиббиёти»нинг тизорлиги ва самардорлигини оширишга имкон берди, балки умумий ҳаражатлар миқдорини нисбатан пашайитиришга ҳам замин яратди.

Бир йил ичида шoshiлинч тиббий хизмат томонидан 500 мингдан зиёд одам стационар тарзда ва тахминан шунча миқдордагиси – амбулатор шароитида малакали тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлмоқда. Тез ёрдам йўли билан бир йил давомида 5 млн.дан ортик беморларга қақирув орқали хизмат кўрсатилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, стационарда ётган беморларнинг тахминан 17,2 фоизи шoshiлинч тиббиёт тизимида даволанмоқда, хизматнинг ўринлар сони мамлакат умумий даражасидагидан бор-ўғи 6,3 фоизини ташкил этсада, аммо даволашишга муҳтож инсонлар учун ҳамшира жой топилади.

Бу кўрсаткич хизмат феолиятининг жадаллик кўрсаткичи сифатидагина эмас, балки шoshiлинч тиббиёт бўйича хизматларнинг ҳаммаболлигини тасдиқлайдиган яна бир ишончли далилдир.

ШТЭ тизими 8240 койка-ўринларга эга, бу республикадаги даволаш-профилактика муассасаларидаги ҳам койка-ўринли қувватларнинг 6 фоизини ташкил этади. 2004 йили мана шу койка-ўринларда кечиктириб бўлмас кўрсаткичлар бўйича 513114 беморлар стационар ёрдамни олишти, бу эса ҳамми стационар шароитида даволанган беморларнинг 14 фоизини ташкил этади.

2004 йил давомида РШТЭМ ва унинг вилоят филиалларида 212000 бемор стационар ёрдамга эга бўлди, улардан 67,5 минг беморлар операция қилинган. Минтақалар бўйича тизор (оператив) феолият 45 дан 67 фоизга атрофида қайд этилган. Беморнинг касалхонада бўлиб туришининг ўртача давомиёлиги 3-5 кундан ошмайпти.

Шoshiлинч тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида РШТЭМ ва унинг филиалларини энг замонавий даволаш-

ташхиллаш ускуналари билан жиҳозлаш учун хориж сармояларини жалб этган ҳолда бир қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Испания, Германия, Исроил кредитлари бўйича РШТЭМ ва унинг вилоят филиалларига мўлжалланган замонавий даволаш-ташхиллаш ускуналарини сотиб олиш учун кредит линиялари белгиланган. Марказларимиз учун ажратилаётган сармояларнинг умумий ҳажми 113 миллион АҚШ долларига тенг. РШТЭМни жиҳозлаш учун Япония ҳукуматининг 724 миллион йен миқдоридидаги гранти олинган.

Ўзбекистон Республикаси ва Ислом тараққиёт банки ўртасидаги молиявий келишувга биноан 2005 йилдан эътиборан РШТЭМнинг 12 та минтақавий филиалларини қиймат тахминан 23 миллион АҚШ долларига тенг миқдоридидаги тиббий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилган.

2004 йил давомида инсонпарварлик ёрдами йўли билан қиймати 200,0 минг АҚШ долларидан зиёд миқдордаги тиббий дори-дармонлар, техника, тиббий асбоб-ускуналар олинган ва шoshiлинч тиббий ёрдам тизимидаги муассасалар ва даволаш-профилактика муассасалари учун йўналтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 537-сонли «Аҳолига шoshiлинч тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарорига биноан «Шoshiлинч тиббий ёрдам хизмати ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳақидаги Низом» тасдиқланган, шунингдек, жамғарманиннг ҳомийлик (васийлик) кенгаши ташкил этилди. 2003 йилнинг 30 декабридан эътиборан ШТЭ хизматини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўз феолиятини бошлади. Унга Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 200,0 миллион сўм ажратилган. Бундан ташқари, унинг вилоят филиалларида ўз ҳисоб рақамига эга ҚШТЭни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилган.

2004 йил ичида жамғармага келиб тушган маблағлар 573,8 миллион сўмни ташкил этган, шундан 76,7 миллион сўми врачлар ва мутахассисларни яқин ва узок хорижинг етакчи клиникаларида қайта тайёрлашга сарфланган, тиббий ускуналар ва юқори технологияли тиббий ускуналар учун сарфлама материаллар сотиб олиш учун – 155,8 миллион сўм, хизмат ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш учун – 102,5 миллион сўм харажат қилинган, шу жумладан, алоҳида ўрнат қўрсатган мутахассислар учун ойлик маошларининг 100 фоизи миқдоридида қўшимчалар белгиланган ва тўлаб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. (Давоми бор).

(Давоми. Боши 3-бетда).

БОЛАНГИЗНИ ЮКУМЛИ ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛИГИДАН САҚЛАНГ

Болага таомни ҳар 2-4 соатда бериб туриш, соғай-гач эса 2 ҳафта давомида одатдагидан бир марта кўп овқатланг. Бу болагада касаллик даврида йўқотилган озиқ моддалар ўрни тикланишига ёрдам беради.

Юқорида кўрсатилган муолажалардан сўнг болада диареянинг белгилари кузатилаётган бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат этинг.

Кўйиндагиларга алоҳида эътибор бериш:

● **Бола олти ойлик бўлгунча қадар, фақат она сuti билан парвариш қилинг.** Она сutiда бола учун зарур бўлган озиқ моддалар ва ҳимоя омиллари мавжуд бўлиб, боланинг бакуват ўсишига ёрдам беради.

● **Бола олти ойлик бўлгандан кейин уни қўшимча овқатланг.** Бу даврдан бошлаб, бола биргина она сuti билан эътиёжини қондира олмайди. Акс ҳолда, бола заифлашиб, касалликларга берилувчан бўлиб қолади.

● **Шиша идиш ва сўргичлардан фойдаланманг.** Чунки шиша идиш тоза ювмаслиги натижасида микроблар кўпайиши учун қулай шароит туғилади.

● **Болага таомни ҳар гал янги тайрлаб бериш.**

● **Боланинг идиш-товуқларини алоҳида сақланг.** Уларга пашша ўтирмаслиги учун устига дока ёлинг.

● **Болани овқатланганидан олдин ва ҳождатдан кейин қўлини совунлаб ювишга одатланг.**

● **Болага мева ва сабзавотларни ювиб истеъмол қилдинг.**

● **Фақат қайнатилган сув ичиринг.**

Саломатлик институти, Тошкент вилояти филиали.

Табобат сирлари

ҚОН КАМАЙИБ КЕТГАНДА...

(Давоми. Боши ўтган сонда).

* Тут меваси ўзининг шифобахшлик хусусиятлари билан инсон организмидagi турли дардларга даво бўла олади. Ундан тайёрланган майиз ҳам гоётда тўйимли ва фойдали неъмат ҳисобланади.

* Беханинг барги ва пўстлогидан тенг миқдорда олиб, озгина сувда қайнатиб, 1 соат тиндириб қўйилгач, доқадан ўтказилади. Бу дамламадан истеъмол қилиб туриш ҳам камқонликка фойдалидир.

* Ҳалқ табибатида лимонўт баргидан тайёрланган дамлама камқонликда, овқат ҳазм бўлишини бузилишида, юрак касалликларида ва бошқа қатор касалликларда фойдалидир. Бу ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун чойнакка икки стакан қайнаб турган сув қўйилиб, ўсимликнинг ер устки қисмидан ёки майдаланган баргидан 8 чой қошиқ солиб, 4 соат дамлаб қўйилади.

Сўнгга доқадан сузиб, кунига 4 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

Долзарб мавзу

КАШАНДАЛИК ИХТИЁРИЙ ТЕЛБАЛИК...МИ?

Чекиш инсон саломатлигига ўта салбий таъсир кўрсатадиган иллатлардан бири эканини барча яхши тушунади. Шунга қарамай, дунё бўйлаб миллионлаб одамлар кашандалик туғайли ўз соғлигига шикаст етказмоқда. Афсуски, мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Чекиш инсонни айни меҳнатга лаёқатсиз қилади, оилани боқувчисиз қолдиради, миллатни эса соғлом ишчи қучидан жудо этади. Кашандалик бугунги кунда дунё микёсидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланиб қолди.

Сўнгги пайтлардаги расмий маълумотларга кўра, бу хавфли жараён фақат Европа аҳолиси орасида йилга 1 миллион 200 минг кишининг бевақт оламдан кўз юмишига сабаб бўлмоқда. Ер юзиде бир йилда 4 миллионга яқин киши кашандалик оқибатида ҳаёт билан видолашмоқда. Бу рақамларни бошқароқ таърифласак, ҳар 8-10 сонияда бир одам чекишнинг оғир асоратидан нобуд бўлмоқда. Экспертлар хулосасига қараганда, яқин йигирма йиллар мобайнида Европа аҳолиси 20 фоизининг умри ҳазон бўлишига айнан тамаки чекиш сабаб бўлади. Хозирги пайтда ер қуррасида яшаётган аҳолидан эркекларнинг 60 фоизига яқини, аёлларнинг 20 фоиздан ортиги мунтазам чекиши аниқланган. Бошқача айтганда, жаҳон аҳолисининг деярли 40 фоизи ашаддий кашандалар ҳисобланади. Афсуски, бу ҳисобда айни замонда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган эркекларнинг 50 фоизи, аёлларнинг 12 фоизи ҳам қиради.

Бундан жаҳон микёсида чекишга қарши курашнинг тобора авж олиб бораётгани бежиз эмаслиги янада аён бўлди. Энди яна бир қизиқ, аммо хавфли, аянчли манзарага жиддий эътибор беришга. Агар дунёдаги жамика кашандаларнинг ҳар бири кунда ўрта ҳисобда 15 дона сигарета ёки папирос чекса, у ҳолда бир дақиқада одамлар 350 мингдан зиёд ажал уруги тутунини ичига тортаётгани маълум бўлди. Бу рақам бир йилда 10 триллиондан ортиб кетади! Бу жаҳон микёсида тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун бир неча юз миллиард доллар маблағ сарфланмоқда, улар ҳавога учирилмоқда, бошимизга бало-қазо ёғдирамда деганидир. Яна бир муҳим рақамга диққат-эътиборингизни қаратсак, бир йил мобайнида чекиб ташланган папирос ва сигареталар қолдинининг ер юзидеги умумий микдори 3 миллион тоннага яқин келар экан!

Бундан қўринадики, кашандалар ҳар йили ҳавога 400 минг тоннага яқин аммиак, 600 минг тоннадан ортиқ синил кислота, 120 минг тоннага яқин никотин, 600 минг тоннадан зиёд «ис» газы, шунча катрон-қурум, катта миқдордаги углекислоталар, турли захарли моддалар тарқатиб, тоза ҳавони булғайдилар, экологик мувозанатни бузди.

Ўтказилган текширувлар, изланишлар яна шунчи кўрсатадики, чекадиган эркекларнинг деярли 1/5 қисми 8-9 ёшларидан чека бошлаган. Янги чекувчиларнинг кўпайиши эса, 14-17 ёшларга тўғри келади. Умуман, 92 фоиздан зиёд чекувчилар тамакига 19 ёшгача ўргандилар. 20 дан 30 ёшгача эркеклар ўртасидаги чекувчилар сонининг ортиши 11 фоизга, аёллар ўртасида эса, 45 фоизга тўғри келар экан. Чекишга ружу қўйиш асосан атрофдаги чекувчиларга тақлид қилиш, қизиқиб чекиш, шўхлик ёки эркатой бўлиб қолмаслик учун, озиш ёки ёлғизликдан, бирор фам, ташвишдан эзиллиб, вақтинча наҳот излашдан бошлангани маълум. Шундай экан, тамаки чекиш – энг аввало ихтиёрий телбаликдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, организмни сунракли захарлаш машқидир, ҳолос. Лекин асло ҳаётни эътиб эмасдир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тамаки таркибидаги никотиннинг навларига қараб, 0,7-6 фоизгача бўлади. Тўғри, никотин оз миқдорда тиббиётда қон томирларни кейгайтирувчи доривор восита сифатида эътиёткорлик билан ишлатилади. Аммо у катта миқдорда организмга акс таъсир кўрсатади. 50 миллиграмм никотин одами ўлдиради. Ваҳоланки, бир дона папирос чекилганда организмга 1 миллиграмм никотин қиради. Никотиннинг организмга оз-оз, тез-тез тушиб туриши барча аъзо, тўқима ва тизимлар фаолиятини бузади, албатта. Бундан ташқари, никотиндан бошқа яна «ис» газы, цианид кислота, формальдегид, азот оксидлари, фенол, мишьяк, аммиак, водород сульфид, ацетилен, канцероген катрон-қурум, гербицидлар, инсектицидлар, радио-

фаол ва кўплаб моддалар борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос захардир. Айниқса, тамаки тутунини наҳоятда зарарлидир. Тамаки тутунини уни чекиб, «кайф» қилаётган кашандалар кўра атрофдагилар учун хавфлидир. Айрим чекувчиларнинг бу оддий ҳаёт ҳақиқатини билмасликлари, ҳоҳлаган жойларида чекиб, ҳаммаёқни буркситиб, ҳавони бузиб, захри қотилга беғуноҳ одамларни ҳам мажбуран шерик қилишлари, айниқса, ачинарли ва ташвишлидир.

Одам мунтазам равишда тамаки чекканида, унинг бош мияси пўстлогиде мустаҳкам шартли рефлекс алоқалари вужудга келади, шаклланади, натижада чекувчилар аста-секин, ўзлари билан-билмай қора оғу домига тушадилар, маккор ва ёвуз кашандалик дарди – табақоманияга мубтало бўладилар. Бунинг оқибати эса няхоятда хунук ва фожиалидир.

Илмий маълумотларга кўра, чекадиган одамлар чекамайдиганларга нисбатан 5-10 йил кам яшаيدилар. Ашаддий кашандалар эса, ўз умрларини яна ҳам кўп, тахминан 15 йилга қисқартирадилар. Сурункали чекиш соч, тишлар тўқилиши, кўз гавҳарининг хиралашуви, эшитиш қобилияти, хотиранинг сусайиши, теридаги ажинлар ва саратон (рак) касаллиги, кўл бармоқлари териси рангининг ўзгариши, қон айланishi, суяк тўқимаси, сийдик таносил тизими, нафас олиш аъзолари фаолиятининг қийинлашуви, қуруқ йўтал, юрак касалликлари, ошқозон яраси, эркекларда миқоз сустиги, аёлларда асоратли ҳомиладорлик, чала туғиш каби оғир ва бошқа кўплаб салбий ҳолат, оқибатларга олиб келади, меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Бунини шундан ҳам билса бўладики, ҳар 100 та ўпка раки (саратон) касаллигининг 95 таси айнан чекувчилар чекига тўшади. Шуларни ҳисобга олганда, тамаки чекувчиларнинг ҳар бири деярли ҳар кун, ҳар ҳафта, йил давомида папирос ёки сигарета сотиб олиш учун ортиқча, кераксиз сарф-харажат қилаётгани, моддий ва маънавий зарар кўраётгани ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, деб ўйлаймиз.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарларига қараганда шу йилнинг январидан Италияда барча жамоатчилик жойларида, жумладан, бар ва ресторанларда чекиш қатъий ман этилиши тўғрисидаги қонун қучга кирди. Бу мамлакат шу пайтга қадар ҳатто метроларда ҳам тутатадиган давлат ҳисобланарди. Энди дам олиш жойларида нафақат кудонларни олиб қўйишди, балки ҳар бир келган миқоз ортидан чўнтагидан сигарета чиқарадими-йўқми пойлаб юрадиган бўлишди. Мабодо бу ишни уддалай олишмаса, муассаса хўжайини 2200 евро миқдориде жарима тўлайди.

Ассоциация одамлар янги тартибга ўрганишлари учун дастлабки олти ойда қатъий чоралар қўрилмаслигини ҳукумат раҳбарларидан сўраган. Агар шунга қўшимча, ассоциация аъзолари судга мурожаат этажакларини билдирдилар. Янги қонунчилик бар ва ресторанлардан ташқари жамоат ва хусусий корхоналарга ҳам тааллуқли эди. Жарима нафақат чекаётганлардан, балки «Чекилмасин!» деган ёзуви татхатани осиб қўйишни унутган жавобгар шахслардан ҳам ундирилди. Кашандали янги қонун билан оғоҳ этмаганлар учун ҳам жазо чоралари бор. Янги тартибга қарши норозилик билдираётганлар кундан-кунга ошиб бораётганига қарамай қонунни ишлаб чиққанлар пинақларини муамалатлар. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг айтишича, хизмат ва овқатланиш жойларида, дам олиш масканларида доимо тутун ичида ўтириш одамларнинг жонига теги. Яқинда Ирландия, Нью-Йорк, Норвегия ва Мальтада ҳам чекишга қарши шунга ўхшаш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этила бошлади.

Ўртбошимиз ташаббуси билан 2005 йил мамлакатимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган экан, бизда ҳам ҳаётда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, тамаки чекишга қарши кураш бошлангани няхоятда қувонарлидир.

Нима дейсиз, азиз муштарий, тамакининг бадбўй, гоётда зарари ва захарли тутунидан воз кечшининг вақти-соати етмадимикин?

Искандар РАҲМОН,
Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси.

Хозирги даврда XXI аср вабоси бўлмиш ОИТС ўз домига борган сари ёшларни тортиб келмоқда. Шундай экан, бундай жирканч иллатга қарши курашиш ҳар биримизнинг олдимиздаги муҳим вазифалардан биридир.

Ташқидлаш жоизки, ёшларни бундай офат балосидан сақлашисида ота-оналар, қариндош уруғлар ва маҳалла аҳлининг ўрни катта бўлмоғи лозим. ОИТСнинг зарари ҳақида гапирар эканмиз, касалликнинг одамларга қанчалик хавфлилигини ҳам эслатиб ўтиш муҳим. ОИТС асосан қондан ўтиб, бутун организмга таъсир қилиб, ундаги турли касалликларга қарши курашувчи иммунитетни сусайтиради. Иммунитетнинг сусайиши эса, бора-бора инсон организмнинг оддийгина касалликларга нисбатан кураша олмаслигига олиб келади ва ўлим билан тугайди. Бу вирус қандай қилиб инсон организмга кириши мумкин,

Аср вабоси

ЁШЛАР ОИТСГА ҚАРШИ

деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, бунинг сабаби нотўғри ҳаёт тарзидир. Шу билан бир қаторда ОИТСнинг хозирги кундаги яна бир долзарб муаммоси гиёҳвандликнинг мангитий давомийлиги ҳисобланиб, гиёҳванд моддаларни истеъмол қиладиган инсонларнинг битта шприцдан фойдаланишидир. Яъни, гиёҳвандлардан бири касаллик вирусини ташувчиси бўлса, у ишлатган шприцдан бошқаларнинг фойдаланишлари оқибатида вирус қондан-қонга ўтади ва оқибатда касаллик билан оғирган инсонлар сонининг ортиши кузатилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, хозирги пайтда бутун республикамизда ОИТСнинг тарқалишига қарши барча чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бунда нафақат Соғлиқни сақлаш ва бошқа вазирликлар, балки турли муассасалар, оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотлар фаоллик билан иш олиб бормоқдалар. Бу иллатнинг чуқур илдиш отиб кетмаслиги учун ёшларимизни бўш вақтларида фойдали ишлар билан шуғулланишига ўргатиш, улар билан тарбиявий ишларни олиб бориш, бепарволик ва хотиржамликка йўл қўймасликка алоҳида аҳамият берилмоқда. 2004 йилнинг 1 январиде кучга кирган SOS лойиҳаси бу долзарб мавзу бўйича бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият бошлади. Бу лойиҳа JICA Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Word Vision халқаро ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқарилиб, ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади Тошкент шаҳрида ОИТСнинг та-

ққалиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек бу офатга нисбатан ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш. Ушбу лойиҳа натижасида шаҳримизда 10 дан ортиқ «Ишонч пунктлари» ишлаб турибди. Уларда ёшларимиз ўзларига керак бўлган барча саволларга тўлиқ жавоб олишлари мумкин. Мазкур лойиҳани кўллаб-қувватлаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар наркологида диспансери ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай жирканч иллатдан йироқ бўлишимиз учун мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ва албатта, олий ўқув юрларида ёшларимиз орасида тарғибот ишларини олиб боришимиз керак. Ана шундангина бизнинг ОИТСга қарши олиб бораётган ташвиқот ишларимиз ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Ирода ИЛХОМОВА,
ЎЗМУ талабаси.



Бирга юксакликка парвоз қиламиз,
Ишончли тулпорим, Бойчиборимсан.

Хушрўйлик сирлари

Курук юз териси учун ниқоблар

Картошкали ниқоб: қайнатилган картошка эзилиб унга 1 ош қошиқ иссиқ сут ва 1 чой қошиқ бирор-бир ўсимлик мойдан қўшилади. Бу ниқоб терини озиклантиради ва тозалайди.

Шифобахш ўтлардан ниқоб: 1 ош қошиқ мойчечак, ялпиз, баргизуб ўтлар аралашмаси 1 стакан қайноқ сувда дамланади, сунг элакдан ўтказилиб, 2 ош қошиқ картошка уни (крахмал) қўшилади.

Хамиртуришли ниқоб: 1 ош қошиқ хамиртуриш 1 чой қошиқ зайтун мойи билан яхшилаб аралаштирилади. Ушбу ниқоб ажинларга қарши яхши восита ҳисобланади.

Зайтули ниқоб: 1 ош қошиқ творог, 1 ош қошиқ зайтун мойи (кунгабоқар мойи қўйса ҳам бўлади) ва 1 чой қошиғида сабзи шарбати, сут яхшилаб аралаштирилади. Бу ниқобни ўрта юз терисига эга бўлган аёллар ҳам қўллаши мумкин.

Бодрингли ниқоб: 1 ош қошиқ бодринг шарбати, 1 ош қошиқ сметана, 20 томчи атиргул суви қўшилиб, яхшилаб кўпиртирилади ва юз терисига қалин қилиб суртилади. Ушбу ниқоб сўлгин, ажинли юз терисига жуда қўл келади.

Бу қизиқ

ЧУМОЛИ ЖАРРОҲЛИҚДА

Жарроҳлар игна ва ип билан кесилган жойни тиксалар, Африкадаги жарроҳлар эса тиқиш учун тирик «асбоблар»дан фойдаланадилар. Улар жароҳатни чумоли ёрдамида тикадилар. Кесилган жойнинг четлари бир-бирига бирлаштириб турилади ва жароҳат устига бир неча чумоли қўйиб чиқилади. Чумоли, одатига кўра, бемор терисини жонжаҳди билан тишлайди. Шунда африкалик шифокорлар чумолининг бош қисмини кесиб ташлайдилар. Жароҳат эса худди улар устига қавс қўйилгандек пишиқ беркитилиб богланиб қолади.

Шунинг учун ҳеч қандай яллиғланиш бўлмайди. Чумоли ажратиб чиқарган модда антибиотик каби бўлиб, инфекциядан ҳимоя қилиши мумкин.

СТРЕСС НИМАЛИГИНИ БИЛИШМАЙДИ

Венесуэла чегарасидан унча узоқ бўлмаган Амазонка ҳавзасидаги чекка бир тропик ўрмонда яшовчи «Янамам» кабиласининг хиндулари умуман стресс нималигини ва гипертония қандай касаллигини билишмайди. Бразилиялик врачлар бу қишлоқ ҳаётини кузатиб, ўрганиб чиққанлар.

Умуман, шаҳардаги қараганда табиат оғушида тинч кечаётган бу ҳаёт анчагина соғломдир. Масалан, Бразилиядаги аҳолининг йигирма фоизга яқини қон босими юқорилигидан шикоят қилади. «Янамам» хиндуларини эса бу касаллик четлаб ўтган. Улар учун туз ва ёғ бутунлай бегонадир. Хиндулар ўз таомларини маҳорат билан тайёрлайдилар. Улар гўшнинг ёғи бутунлай эриб битгунга қадар пиширадилар. Бу улар соғлом бўлишининг бир йўли бўлса, ик-

кинчидан, хиндулар ўз жомаларидаги ишларни йўлбошчиларига итоат қилган ҳолда осойишталик билан ҳал қиладилар.

СЕЛЕН МОДДАСИ ЕТИШМАСА

Фарбий Германиянинг Майнц шаҳри олимлари юрак-томир касалликлари кучайишининг сабабларидан бири – вужудда селен моддасининг етишмаслиги эканлигини аниқлашди. Коронлар склерози, миокард инфаркти ва гипертония (қон босими кўтарилиши) билан касалланган юздан ортиқ беморлар текшириб кўрилганда, селен моддаси соғлом кишиларникига қараганда жуда ҳам кам миқдорда эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, селен концентрацияси юрак мушакларининг ҳолати билан ўзаро боғлиқ эканлиги аниқланди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Поэзия

Автор стихотворения - инженер по образованию, майор в отставке, пенсионер. Он является членом литературно-творческого объединения «Истоки», которое выпустило в свет семь поэтических сборников. В пяти из них есть и произведения Владимира Кудрявцева. Темы стихотворений самые разные, а вот к медицине он обратился впервые. К этому его подтолкнула, как говорится, сама жизнь: в связи с заболеванием глаз он вынужден был обратиться в клинику. Перенес операцию на глазах. За этот непростой период довелось многое пережить - и боязнь утратить зрение, и надежду, вселяемую врачами. Пришлось, к сожалению, столкнуться с равнодушным и профессиональной не подготовленностью. И все-таки осталось доверие к людям в белых халатах, вера в их знание и опыт. Болезнь отступает. Вот в такие дни и родилось стихотворение «Не навреди» - доброе пожелание и предостережение одновременно, написанное с мягким юмором и улыбкой.

Редакция желает Владимиру Кудрявцеву новых творческих озарений в дальнейшем и крепкого здоровья! Успеха Вам!

НЕ НАВРЕДИ

Чтобы отделить плевелы от науки -
Закон был тверд на греческой земле:
Хирургу сразу отрубили руки,
Когда больной кончался на столе.

И все, давая клятву Гиппократу,
Переходили строгую черту:
Стоять на страже жизни, как солдаты,
Иль умереть на боевом посту.

Не потому ли древние светила
Прошли суровый жизненный отбор:
Иных, бездарных, лета поглотила,
А корифеи блещут до сих пор.

И современным псевдоэскулапам
Вернуться б к незапамтным векам:
Закрывать дорогу неумелым лапам,
Чтоб не мешать искуснейшим рукам.

И прежде чем вторгаться в пациента,
Врач взвесит все до мелочи любой;
Не проведя над ним эксперименты,
Свою судьбу с твоей судьбой.

Будь в медицине асом и артистом,
Семь раз перед решением отмерь!
А неумехам и авантюристам
Во имя жизни указать на дверь!

Про Гиппократу понаслышке зная,
Саперы благороднее врачей,
Когда, чужую жизнь оберегая,
Они нередко жертвуют своей.

И если ты не нравственный калека,
И лишь благим желаньем одержим -
Все сделай для здоровья человека
Или иди на плаху вместе с ним!

Владимир КУДРЯВЦЕВ.

УЛЫБКА ТОЖЕ ЛЕКАРЬ

- Доктор, почему вы мне велели высунуть язык, а сами на него даже не смотрели?
- А я просто хотел в тишине написать рецепт...

Один человек сильно обжег руки в автомобильной катастрофе. В больницы палате, наблюдая, как сестра делает ему перевязку, он спросил доктора:
- Когда повязки снимут, смогу я играть на пианино?
- Думаю, что да, - кивнул доктор.

- Ну и чудеса, доктор, - был ответ, - а раньше я не играл.

Аптекарь спрашивает ученика:
- Кто-нибудь приходил?
- Один с простудой.
- Что ты ему дал?
- Слабительное.
- Где он?
- Вон стоит, кашлянуть боится.

Почувствовав недомогание, Питер обратился к врачу. Тот долго осматривает его и наконец говорит:
- Не могу понять, что с вами, но думаю, что это из-за алкоголя.
- Хорошо, доктор, я вернусь, когда вы протрезвеете.

ГАЗЕТА «ШАРҚ»
СӨЗГӨР ҲӨҲМЕТ ЗУЛҲАЙИР
ЎЗБЕКISTON ҒАҲИИ

Gazeta muassisi:
O'zbekiston
Respublikasi
Sog'liqni saqlash
vazirligi

Bosh muharrir:
Po'lat MIRPO'LATOV.
Ijrochi muharrir:
Ibodot SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. BALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, M. TURUMBETOVA, N. TOLIPOV, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV.

Manzilmiz: 700060, Toshkent, Oxunboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 12.850 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma 1-656.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taqob. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida teriladi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushuncha reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirish vaqti 19.00.